

Ўзбек мумтоз адабиётида ёркин из коддирган, бетакрор газаллар ва касидалар яратган етук истеъдод эгаси, лирик шоирлардан бири Саккокийдир.

Саккокийнинг хаёти ва фаолияти хакида бизгача жуда кам маълумот етиб келган. Унинг таржимаи холи тўғрисида ўзининг девони ва Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис ва «Хутбаи давовин» асарларидан баъзи бир маълумотларни билиб олишимиз мумкин. Бундан ташқари, шоир Яқинийнинг «Ўк ва ёй» асарида Саккокий турк (узбек) шоирларининг мужтахили (гайратлиси) деб таърифланиши, унинг ўз замонасининг забардаст шоирларидан бири эканлигини билдиради. Саккокий мовароуннахрлик бўлиб, у Темурийлар салтанатининг пойтахти Самарқандда умргузаронлик қилиб ижод этган. Саккокий — шоирнинг тахаллуси, унинг асл исми маълум эмас. «Саккок» (пичокчи) сўздан, шоир хунарманд оилада тугилган деган фикрни тахмин қилиш мумкин. Саккокий XIV асрнинг иккинчи ярмида ёки XIV асрнинг охири чорагида тугилганини эса хижрий 810 (1407—1408) йилда Амир Темурнинг набираси Халил Султонга бағишлаган касидасидаги:

Тарихка саккиз юз доғи ўн эрдию кадр ахшоми,  
Бир ой тугулди дунёда ким мамалакатда хон эрур —  
мисрасидан тахминан билиб олиш мумкин. Чунки шоир бу касидасини анча ижодий тажрибага эга бўлгандан кейин, тахминан, 30 ёшларида ёзган бўлиши керак. Саккокий ижодининг гуллаган даври Улугбек хукмронлик қилган даврларга (1409—1449) тўғри келади. Тарихдан маълумки, буюк мунажжим ва етук давлат арбоби Мирзо Улугбек маърифатпарвар подшоҳ бўлиш билан бирга илм-фан, санъат ва адабиёт ахлининг гомийси ҳам эди. Ана шу фикрдан келиб чиққан холда айтиш мумкинки, Саккокий Улугбекдан паноҳ топган алломалар сирасига кириб, унинг ижодий фаолияти одил подшоҳ билан боғлиқдир. Саккокий ўз хомийсига атаб касида битади, Улугбекни кўқларга кўтариб мактаиди, унинг душманларига қарши ўз сўзлари билан зарба беради. Шоир Улугбекка баҳо берар экан, шундай маърифатпарвар подшоҳ билан замондош бўлганидан фахр хиссини туяди ва:

Фалак йиллар керак сайр этсаю келтирса илкига,  
Менингдек шоири турку сенингдек шохи донони,—  
деган мисраларни ёзади.

Саккокий ўз девонида Мирзо Улугбек, Халил Султондан ташқари, Хожа Мухаммад Порсога, Арслонхожа тархонга ҳам касидалар битган. Бу касидалардан ташқари девонга бир қатор лирик газаллар ҳам киритилганки, бу газалларнинг кўпчилиги бизгача етиб келмаган. Саккокийнинг ўзи тузган девонининг бир неча кўлёзма нусхалари маълум бўлса-да, бу нусхаларнинг бирортаси ҳам тўла ва мукамал нусха эмас. Жумладан, Лондонда, Британия музейида девоннинг тахминан XVI аср ўрталарида кўчирилган бир нусхаси ва Тошкентда, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида 1937 йилда Шоислом исмли котиб томонидан қайсидир манбадан кўчирилган нусхаси сакнанади.

Саккокий XV аср ўрталарида вафот этганлигини Навоийнинг Самарқандда бўлган йилларида (1465—1469) Саккокий мухлислари билан учрашгани ва суҳбатлашгани билан изоҳлаш мумкин. Нимагаки, Саккокий бу даврда хаёт бўлмаган, агар хаёт бўлганида Навоий билан учрашган бўларди.

Саккокийнинг касидачилик борасидаги махоратини назарда тутадиган бўлсак, шак-шубхасиз, уни Ўзбек касидачилигининг асосиси десак янглишмаймиз. У улуг шоир Лутфий билан беллаша оладиган шоир даражасида бўлган. Бу ҳақда Алишер Навоий ўзининг асарида шундай жумлаларни келтиради: «Уйгур иборати Фусахосиндин ва туркий алфозининг булагосиндин Мавлоно Саккокий хам Лутфийларким, бирининг ширин абётининг иштихори Туркистонда багоят ва бирининг латиф газалиётининг интишори Ирок ва Хуросонда бенихоятдурур ва девонлари мавжуд бўлгай». Бундан кўринадики, Саккокий Туркистон, яъни Мовароуннахрдаги ижоди билан жуда катта обрўга эга бўлганки, унинг гўзал касидалари, севгини васф этувчи бетакрор газаллари Самарканд илм ахлининг кўнглидан мустаҳкам жой олган.

Саккокий лирикасининг асосий тематикаси кўпгина шоирларникидек асосан севги-мухаббатни шарафлашдан иборат. У инсонни инсонга бўлган мухаббатини куйларкан, севгини ҳаётга, унинг завк-шавки, табиат манзараси ва инсоний эзгу хислатларга бўлган меҳр-мухаббат билан узвий ҳолатда тараннум этади. У ўз шеърларининг маъно ва шаклига катта эътибор берган, газалларида замондошлари каби ажойиб сўз ўйинларидан усталик билан фойдаланган. Тасвирланаётган маъшуканинг гамзасини таърифлар экан:

Кочонким гамзаси кўзлаб ўкин қирпики кезлоса,  
Кора кошларидан пайдо бўлур ушшокнинг ёси,—  
дейди.

Саккокий газалларида келтирилган кўпгина бадиий тасвирлар ва ўхшатмаларни Алишер Навоий, Бобур ва бошқа шоирларнинг газалларида хам учратиш мумкин.

Саккокий факат лирик шеърлар ёзиш билан чекланиб қолмай, юқорида айтганимиздек, гўзал касидалар ёзди ва бу касидалар у яшаган, ижод этган даврдаги ижтимоий ҳаёт билан чамбарчас боғланиб кетган.

Саккокий Улугбекка атаб ёзган касидасидаги яна бир мисрага эътиборни қаратсак, фойдадан холи бўлмас:

«Раият кўй эрур, Султон анга чўпон ё бури,  
Бури ўлгаю кўй тингай, чу Мусотек шубон келди»,  
— деб ёзади.

Бу билан Саккокий ўша даврдаги ҳукмдорлар хақида фикр юритади ва адолатли ҳукмдорларни чўпонга, адолатсиз ҳукмдорларни бўрига ўхшатади.

Улугбек давлат тепасига келиши воқеасини шоир куйидагича ифодалайди:

Жаҳондин кетти ташвишу мабодойи амон келди,  
Халойик айш этинг бу кун, сурури жовидон келди.  
Тан эрди бу улус барча, анингтек жони бор ё йўк,  
Бихамдиллох, ўгон фазли била ул танга жон келди.

Улугбекка бағишлаб ёзилган касидада халқ, улус, раият, омонлик, сурур, адолат сўзлари кўп учрайди. Бундан кўришиб турибдики, замонасининг илгор фикрли кишиси сифатида буюк шоир Саккокий халқ ахволини ўйлаган ҳолда, Улугбекдек маърифатли ҳукмдорнинг давлат тепасига келиши халқ учун яхши иш бўлганлигидан мамнун эканлигини изҳор этган.

Шундай қилиб, ҳазрат Алишер Навоий айтганларидек, Мавлоно Саккокий ажойиб лирик шеърлар ва бетакрор касидалар ижод этган камда ўзбек мумтоз адабиётининг раванк топиб, гуллаб-яшнашига маълум ҳисса қўшган буюк шоирлардан бири сифатида тарихда

## Саккокий (XIV аср охири — XV аср ўртаси)

Муаллиф:

30.05.2013 13:33 -

---

мухрланди.